Ушбу сонда:
2 Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар КИРОЙИ ФЕРМЕР ШУНДАЙ БЎЛСА
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 апрел, шанба №61 (1075)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН!»

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара Костинага Президент Ислом Каримовнинг мактуби ва эсдалик совғаси топширилди

Одатдаги кунларда ва байрамлар арафасида давлатимиз раҳбари номига республикамиз фуқароларидан кўплаб хатлар, табриклар келиб туради. Шулардан бири - Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара Костинанинг самимий қалб сўзлари, эзгу тилаклари баён этилган мактубдир.

Тамара Костина ўз мактубида Президентимизни Наврўз байрами билан табриклаб, унга Ўзбекистондаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик учун миннатдорлик билдиради. Мактубда шундай сатрлар бор: «Ватанимизнинг мусаффо осмони остида кўп миллатли аҳил оила ҳаёт кечирмоқда. Бунда барча тенг ҳуқуқли ва шахс сифатида эҳтиромга сазовор, ҳар бир киши ўзининг эзгу ниятини амалга ошириш имконига эга».

Тамара Костина табаррук ёшда эканига қарамай, ҳамон Бухоро тиббиёт институтида ишлаб келмоқда. У ўзини республикада содир бўлаётган барча ислоҳотлар ва эзгу ўзгаришларга дахлдор, деб билади.

У асосий ишидан ташқари амалий-безак санъатига кўнгил қўйган, рангли ипларидан турли буюмлар тўқийди. Халқ ҳунармандчилиги танловларида ва кўргазмаларида иштирок этиб келади, «Тадбиркор аёл», «Мусаввир» уюшмаларига аъзо. Унинг уй коллекциясидан рангли ипларидан тўқилган, юртимизнинг ўттизга яқин турфа гуллари ўрин олган.

Тамара Костина Ўзбекистон халқ санъатига муносиб улуш қўшишни орзу қилади. У ўз асарларидан бирини Наврўз байрами арафасида Президентимизга туҳфа қилди.

Ислом Каримов ўзининг Тамара Костинага ажойиб туҳфаси учун самимий миннатдорлик билдирилган жавоб мактубида, жумладан қуйидаги илиқ фикрларни изҳор этди:

«Ҳаётда кўп нарсани бошидан кечирган сиздай оддий рус аёли Ўзбекистонни, бутун ҳаёти, меҳнати ва ижоди бағрида кечаётган Бухоро шарифни қадрдон уйим деб аташи жуда қувонарлидир.

Гуллардан тўқилган асарларингизда сиз саховатли заминимиз гўзаллигини тараннум этасиз, уларда кўп миллатли халқимизнинг жўшқин, яратувчилик кайфияти мужассам. Бой ҳаётий тажрибангиз, маҳоратингиз, улкан меҳнатсеварлигингизни ёш авлодга мерос қолдиришни сиз ўзингиз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблайсиз. Бу мени, айниқса мамнун этди.

Сизга ва яқинларингизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва бахтли умр тилайман.»

* * *

Куни кеча Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов Президентимизнинг мактуби ва эсдалик совғасини Т.Костинага тантанали вазиятда топширди.

Моҳир чевар, меҳнат фахрийсини ҳамкасблари ва дўстлари қизғин табриклади.

Мамлакатимиз раҳбарининг бундай эътиборидан бағоят мамнун бўлган Тамара Костина бу воқеа ҳаётидаги энг бахтли лаҳзалар эканини таъкидлади.

- Гуллар билан олам гўзал, - деди у. - Севимли Ватанимиз доимо гуллаб-яшнасин, боғлари мевага тўлсин. Халқимизда «қўли гул инсон», деган ибора борлиги бежиз эмас. Одамларга хизмат қилиш, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилишдан ортиқ бахт борми дунёда. Президентимизга ёзган мактубимдаги сўзларни қайтариб айтмоқчиман: «Ўзбекистонда яшаётганимдан фахрланаман!».

Р.ҲАКИМОВ.



Зомин туманидаги «Қўнғирбой-Т» фермер хўжалиги ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Унинг раҳбари Тожибой Донабоевнинг омилкорлиги, ташаббускорлиги туфайли янгиликларга қўл урилмоқда. Хусусан, яқинда Исроилнинг «Марав» фирмаси билан ҳамкорликда кичик сутни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Эндиликда бу ерда 6 турдаги неъмат ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: фермер хўжалиги раҳбари Т.Донабоев; қадоқловчи Я.Хўжабекова.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА

Ғузор томонга йўли тушган одам газ кони ёнидаги улкан мўрилардан кечасию кундуз ловуллаб ёниб турган уч-тўртта улкан машъалани кўради. Ҳатто кечалари Қарши томон келаётган поездлардан ҳам кўзга ташланади у.

— Сиз айтган нарсалар, - деди ҳамсуҳбатим, Исроилдан хизмат сафаридан қайтган «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси бош технологи Олим Қўзиев. - Ер остидан газ тортиб олиш жараёнида пайдо бўладиган табиий чиқиндилардир. Улар ёндириб юборилмаса, атмосферани ифлослантиради.

— Наҳотки қайта ишлашнинг иложи бўлмаса?

— Иложи бор. Лекин, биласизми, у ҳолда эгаридан тушови қимматга тушади. Шу сабаб жаҳоннинг барча мамлакатларида бу чиқинди ҳозирча ёндириб юборилябти. Лекин олимлар бир дам бўлсада улардан самарали фойдаланиш йўлларини излашдан тўхтамаяптилар.

Шу кеч ҳамсуҳбатимдан «зангори олов»га оид бир ҳикоя тингладим. Ундан газетхонни ҳам огоҳ этсак, фойдадан ҳоли бўлмас.

Мабодо Оллоҳ таоло ўз бандасига мурувват кўрсатмоқчи бўлса, у яшаётган замин тубини газ ва нефтга тўлатиб юборар экан. Бир нарсага аҳамият берасизми: уруш-жанжал кетаётган, халқи орасидан инсоф-диёнат кўтарилаётган жойлардан бу бойликлар қочади. Мен бу дунёда қирқ йил умр кўриб, ушбу ҳаёт фалсафасига чин кўнгилдан инондим.

Худонинг назари тушган араб мамлакатлари, уруш-жанжалсиз кун кечираётган баъзи шарқ давлатлари нега бу қадар тўқ-фаровон яшайдилар? Чунки бу ҳудудларда истиқомат қилаётган одамлар Яратганни ҳамиша ўз қалбларида олиб юришади.

Шукрлар бўлсинким, Оллоҳнинг бу марҳаматидан биз, ўзбеклар ҳам бенасиб қолмаганмиз. Бизнинг Қашқадарё заминида ҳам ўша Саудия Арабистони, Қувайтдаги каби нефт ва газ заҳиралари бор. Фақат мустақилликка эришгачгина уларга ўзимиз эгалик қиляпмиз.

Республикага етказиб берилаётган «зангори олов»нинг тўқсон фоиздан кўпроғи бизнинг «Шўртангаз» ҳамда «Муборакгаз» конидан олинади.

Газ — табиатнинг бир мўъжизаси. У давлатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилади. «Зангори олов» тирикчилигимиз — рўзғоримиз кўрки.

Бошқармамиздан йигирма километр нарида ҳурматли Президентимиз ташаббуси билан газдан полиэтилен ишлаб чиқарадиган, жаҳонда энг йирикларидан бири бўлиб қоладиган «Шўртан» комплекси ишга тушиш арафасида турибди. Бу ерда биз етказиб берадиган газ ҳисобидан полиэтилен хом ашёси ҳам тайёрланади. Завод ишга туширилгач, пахтачиликдаги машҳур «Андижон технологияси» учун ишлатиладиган плёнкалар сероб бўлади.

Бир саволингизни сезиб турибман. «Исроилга нима учун бордиларингиз?» деб сўрамоқчисиз. Биз, ўзбекистонлик беш нафар мутахассис газ конимизнинг келажакдаги истиқболини кўзлаган ҳолда бордик у ерга.

Равшанки, яқин келажакда газни ер остидан тортиб олиш учун қўшимча қувват, яъни компрессор станцияларини ўрнатиш керак бўлади. Бу бир-икки йилда бажариладиган иш эмас. Шу сабаб биз истиқболни кўзлаб яшашимиз лозим. Шу боис, кўзланган тадбирни амалга ошириш мақсадида жаҳондаги фаолияти айнан шу соҳага йўналтирилган компаниялар ўртасида танлов (тендер) эълон қилинди. Унда Исроил давлатига қарашли компания ютиб чиқди. У билан алоқани мустаҳкамлашда менинг ҳам ҳиссам борлигидан хурсандман.

Энди тез орада Исроил муҳандислари ўзлари бу ишга жалб қилган бошқа мутахассислар билан биргаликда юртимизга келишиб, лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборадилар...

— Исроилда олган энг катта таассуротингиз нима бўлди?

— У ерда юртимизга нисбатан жуда катта ҳурмат-иззатдан бошимиз осмонга етди. Исроиллик таниқли иқтисодчи шундай гапни айтди: «Биз Ўзбекистонни, ўзбекларни чуқур хурмат қиламиз. Бу халқ оғир уруш йилларида бизга бошпана берди, бир бурда нонини биз билан тенг баҳам кўрди.

...Тунги соат учларда ҳамроҳим — ажойиб мутахассис Қарши шоҳбекатида поезддан тушиб қолди. Мен билан қуюқ ҳайрлашди. Бир неча дақиқалар ўтгач, одамлар ғала-ғовури орасида кўздан ғойиб бўлди.

Бироздан кейин, поезд ўрнидан жилгач қалбимни илиқ ҳис-туйғулар чулғаб олди. Бу ажойиб инсон билан учрашув кўнглимни кўтарди, кайфиятимга кайфият қўшди. Тун қоронғулигига тикилиб борар эканман, чуқур ўйга толдим. Бу замонавий йигит навқирон Ўзбекистонимиз обрўсига обрў қўшаётган, улуғ орзулар ила яшаётган бахтли инсонлардан бири эканлигига иймон келтирдим.

Қодиржон СОБИРОВ.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ташаббус

ёшларни ишлаб чиқаришга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Автобус бекатида икки ўсмирнинг суҳбати эътиборни тортди.

— Анчадан буён иш қидираман, - таъкидлади улардан бири, - лекин қаерга бормай биринчи галда қандай ҳунаринг бор, деб сўрашади.

— Менда ҳам шундай бўляпти, - қўшимча қилди иккинчиси. - Энди қаерга бош уриб борсак экан?

Ўзимизча фикр қиламиз: бозор шароитида бу табиий ҳол. Чунки иш берувчи иложи борича тажрибали, омилкор ишчи ёки мутахассисни таклиф қилишга уринади. Хўш, ҳали бирон ҳунарнинг этагидан тутмаган ёшлар мушкулини ким осон этади? Маълум бўлишича, жойларда ибратли ишлар, тадбирлар амалга оширилаётган экан. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига кўра, ички ишлар идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари хайрли ишларга қўл уришмоқда.

...Андижон шаҳридаги «Чўлпон» номли маданият ва истироҳат боғи ўша куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда шаҳар прокуратураси саъй-ҳаракати билан «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ташкил этилди. Унда турли корхоналар 436 та бўш иш ўрни билан қатнашдилар.

— Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари таҳлил қилинганда, кўнгилсиз ҳолларнинг бош сабабчиси бекорчилик эканлиги маълум бўлди. Ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган ёшларнинг баъзилари ёмон ниятли кишилар таъсирига берилганлар, - дея фикрини ифодалайди Андижон шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Миродил Қурбонов. - Бу аввало бизни ўйлашга, изланишга даъват этди. Маҳаллалар фаоллари, ёшлар мураббийлари, ота-оналар билан маслаҳатлашиб, ишга жойлаштириш масаласи билан жиддий шуғулланиш керак, деган фикрга келдик. Фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ҳам бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Бироқ мақсадга эришишда меҳнат ярмаркалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Чинданам меҳнат ярмаркаси ёшларни ишлаб чиқаришга йўналтириш, уларга касб-корлик сирларини ўргатишда қўл келяпти. Шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғидаги бу галги тадбир натижаси ҳам қувончли бўлди. Унга деярли барча маҳаллалардан 400 нафар ишсиз фуқаро рўйхатдан ўтиб, уларнинг аксарияти халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. Аниқроғи, саноат корхоналарига 84 нафар, қурилишларга 35, халқ таълими тизимига эса 9 нафар ишчи кучлари жалб этилди.

Яна бир яхши томони шуки, 40 нафардан зиёд йигит ва қизлар ҳунар ўрганишга йўналтирилди.

— Оиламизда ўн жонмиз, ўзим оддий ишчиман. Уч фарзандим мактабни тугатгач, қаерда ишлашни билолмай анча вақт қийналиб юришди. Меҳнат ярмаркасини эшитгач, уларни умид билан шу ерга бошлаб келдим. Бахтимга икки ўғлим саноат корхонасига, бири эса коллежга ишга жойлаштирилди, - дея хурсандчилигини баён этади фуқаро А.Маъмуров.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ҚЎҚОНДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Қўқон «Механика заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қошида «Машъала» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга тушди. Корхона бундан буён нефт ва газ саноати учун керакли бўлган олти турдаги пўлат арматуралар ишлаб чиқаради. Шартномага кўра хомашё россиялик ҳамкорлар томонидан етказиб берилади. Бу йил давомида 60 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

- Маҳсулотларимизнинг асосий қисми Россияга экспорт қилинади, - дейди акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари А.Тўрабоев. - Ҳамкорлигимиз давомида бошқа турдаги бозоргир маҳсулотлар тайёрлаш, замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари ўрнатиш каби юмушлар ҳам амалга оширилади.

«Ишонч» фош этади

ТАДБИРКОРЛИК НИҚОБИ ОСТИДА

Шайхонтоҳур пойтахтимизнинг аҳолиси зич жойлашган туманларидан бири. Ҳукуматимиз тадбиркорликни ривожлантиришга катта имкониятлар яратаётганлиги боис туманда ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Лекин гуруч орасида курмак бўлганидек, уларнинг ичида тадбиркорлик ниқоби остида иш юритаётганлари ҳам бор. Хусусан, акциз маркасиз сигареталарни ноқонуний сотиш ҳоллари учраб турибди. Гапимиз исботи учун бир неча мисол келтирамиз.

Яқинда Бешёғоч мавзесида сохта тадбиркорлар фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот олинди. Туман Давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлимининг Бешёғоч пункти ходимлари Мурод Пўлатов ва Ойбек Усмонов уларга яқинлашганда сотаётган маҳсулотларини ташлаб, қочиб қолишди. Эгасиз қолган маҳсулотлар текширилганда унинг ичидан бир нечта акциз маркали ва маркасиз тамаки маҳсулотлари чиқди. Улар махсус дўконга вақтинча сақлаш учун топширилди.

Оқтепа мавзеси 3-уй 92-хонадонда яшовчи Х.Қосимова савдо қилаётган жойга солиқ инспекцияси ходимлари келишганда, у саросимага тушиб қолди. Бу ҳол солиқчиларни сергак торттирди. Х.Қосимова 660 қути акциз маркасиз сигарета сотаётгани аниқланди. Шунингдек, Ибн Сино мавзеси 15-уй 69-хонадонда истиқомат қилувчи Х.Норбекова ҳам сохта тадбиркор бўлиб чиқди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ноқонуний иш юритаётган фуқаролар фаолиятига чек қўйиш борасида анча ишлар қилинди. Ўтган йили шу мақсадда 148 та тадбир амалга оширилди. Натижада 35 минг донадан зиёд тамаки маҳсулоти давлат ҳисобига мусодара қилинди. 7 миллион сўмга яқин маблағ давлат ғазнасига топширилди. Жорий йилнинг ўтган уч ойида эса ноқонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорлардан 11 минг 280 қути акциз маркасиз сигареталар олиб қўйилди. Қонунни бузган 152 нафар фуқарога нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналар Самарқанд вилоятида анчагина. Шулардан бири «Жомбойдон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидир. Баллани қайта ишлайдиган мазкур корхонада замонавий ускуна ва технологиялар кенг қўлланилмоқда.

Айни пайтда бу ерда 2001 йил ҳосилини қабул қилишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ускуналар таъмирдан чиқарилди. Маъмурият ва касабақўм ҳамкорликда иш шароитини яхшилашга, меҳнат муҳофазасига доир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

ЗАРАРЛИ ЖОЙЛАРДА ИШЛОВЧИ

кишилар фаолиятига бир назар

Жамоада 850 киши меҳнат қилади. Уларнинг 25 фоизи хотин-қизлар. Корхонада асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ташқари 12 та ёрдамчи цех мавжуд. Цехларда дам олиш хоналари, гигиена хонаси ташкил этилган. У биринчи тиббий ёрдам воситалари, ҳимоя анжомлари билан таъминланган, сауна, душлари ишлаб турибди. 30 ўринли даво маскани намунали фаолият кўрсатмоқда.

— Ишнинг ривожи ишловчиларнинг кайфияти яхши бўлишига боғлиқ, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Аминжон Мақсудов. — Энг муҳими, иш ҳақи вақтида берилаяпти. Жамоа шартномаси бандларининг тўлиқ бажарилишига эришяпмиз. Ўтган йили ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. «Самарқанддон» бирлашмасининг «Баҳора» оромгоҳида ҳар йили меҳнаткашларимизнинг 200 нафарга яқин фарзанди дам олади. Йўлланмалар корхона ҳисобидан бепул тарқатилади. Жамоамиз аъзоларининг 10 нафари республикамиз сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Ўрни келганда бир мулоҳазани айтмоқчиман. Шифо масканларига йўлланмаларнинг кўпини «Азиякурортсервис» ташкилотидан олганмиз. Шу масалада касаба уюшмалари юқори ташкилотлари ёрдам беришса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки санаторийларда дам олишни истовчилар касабақўмга кўплаб мурожаат қилишмоқда. Ишчиларнинг истагини тўла қондира олсак, касабақўм обрўси янада ошарди.

Корхонада 3000 китоб фондига эга кутубхона одамлар билан доим гавжум. Маънавиятмаърифат хонаси бекаму кўст безатилган. Намунали спорт мажмуи меҳнаткашлар ихтиёрида. «Жомбойдон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг «Жомбой» футбол жамоаси республика биринчилиги мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқда.

Жамоа шартномаси мукаммал ишлаб чиқилгани ишчилар фикр-мулоҳазаси ва таклифи эътиборга олинганини кўрсатиб турибди. Масалан, зарарли жойда ишловчиларга иш ҳақининг 8-12 фоизи, йил якунида эса 0,5-3,5 баробари миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Ғалла қабул қилиш мавсумида ишловчилар иссиқ овқат билан таъминланади. Ишга бориб-келиш учун автобус ажратилган. 25 чақирим ва ундан узоқдан қатновчиларга йўл ҳақи тўланади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Махсус иш кийимлари ҳар бир ишчига икки сидра берилади. Яна бир эътиборли жиҳати, уй-жой қуриш истагида бўлган ёш оилаларга ёрдам кўрсатилади. Ишловчи ёш болали аёлларга эътибор кучайтирилган. Шунингдек, уларнинг мактабга борадиган болалари китоб-дафтарлар ва ўқув қуроллари билан таъминланди. Корхона спорт мажмуидан улар текин фойдаланишлари мумкин. Фурсатдан фойдаланиб ишчи-хизматчилар фикри билан ҳам қизиқдик.

Ижтимоий ҳимоя

О.Худойқулов ишчи:

— Ишимиз оғир, зарарли жойда меҳнат қиламиз. Шу боис ҳар йили иш жойлари текширувдан ўтказилиб, камчиликлар маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан бартараф қилинади. Вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтамиз. Ойлигимиз яхши. Бундан ташқари, ҳар йили акциямизга 30-35 фоиз дивидент оляпмиз.

З.Эгамбердиева, ишчи:

— Корхонамиз раҳбарлари ишимизни енгиллаштириш борасида қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Кўрсатилаётган ғамхўрликлардан хурсандмиз. Ўтган йили менга «Турон»га йўлланма беришди. Корхонамизнинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлардан баҳраманд бўлаяпмиз.

М.Умрзоқова, кутубхоначи:

— Корхонамиз раҳбари Мавлон Саидов маданият, маънавиятга катта эътибор бераётир. Яқинда у кутубхонага кириб кимлар қанақа китоблар ўқиётгани, газеталар тахламлари, бадиий адабиётлар, маънавият-маърифат хонасида қандай тадбирлар ўтаётгани билан қизиқди. Кутубхонани янги асарлар билан бойитиш масаласи ҳал этилди. Ишчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг маънавиятини бойитиш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда касабақўмда махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Энг асосийси, жамоамиз меҳнат аҳли аҳил ва иноқ. Бу эса муваффақиятни таъминлаётир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ангрендаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти автомобилчилари кўмир кони, нон ишлаб чиқариш корхонаси, йўл таъмирлаш ҳамда қурилиш ташкилотларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Аҳил жамоа меҳнат аҳли ўтган йили 9 миллион сўм соф фойдали бўлди.

Автокорхона жамоаси шаҳардаги 37-мактаб, «Наврўз» маҳалласи, 5-махсус болалар боғчасига ҳомийлик қилмоқда. Ҳайдовчилар бўш пайтларда шахмат-шашка, стол тенниси, биллиард ўйнайдилар. Айни пайтда теннис корти, волейбол майдончаси барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Суратда: автокорхона касаба уюшма қўмитаси раиси (чапдан иккинчи) Мамажон Ҳошимов ҳайдовчилар Илҳом Саматов, Валерий Панов, Нишон Юнусов ва Фазлиддин Маҳкамовлар билан келгуси режалар хусусида суҳбатлашяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Дўстободдаги нон ишлаб чиқариш корхонаси Қуйи Чирчиқ аҳолисини мазали неъмат билан таъминлаб келмоқда. У ерда иш уч сменада ташкил этилган. Меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда. Новвойлар билан тез-тез машғулотлар ўтказилади.

Яна бир ибратли томони корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда хайрли ишларни амалга оширмоқда. Меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

М.КАРИМОВ олган сурат.

Дам олишни биласизми?

Меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш пойтахт касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ўтказиш учун шу пайтгача қилинган ишларни сарҳисоб қилиш ва истиқболдаги вазифаларни пухта режалаштириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг ташаббуси билан семинар машғулот ўтказилди.

СЎЛИМ МАСКАНЛАР ЧОРЛАЙДИ

Паркент туманининг сўлим гўшаси — Невич қишлоғида жойлашган «Қизилсой» дам олиш мажмуасида шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудирлари ва ходимлари, тармоқ ходимлари касаба уюшмалари шаҳар қўмиталарининг раҳбарлари, молия бўлими мудирлари, жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқарувининг вакиллари иштирокида ўтган ушбу тадбирда «Она ва бола» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларнинг якунлари ва келгуси вазифалар, «Қизилсой» мажмуасида меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштириш борасида тўпланган тажрибаларни оммалаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш қатнашчилари «Ўзбеккосмос» давлат агентлигининг «Қизилсой» дам олиш масканида дам олувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ўзаро фикр алмашдилар. Хуллас, меҳнаткашлар оилавий тарзда йил мобайнида мусаффо тоғ бағридаги ушбу баҳаво масканда табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, мириқиб дам олишлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё этилган.

У.ПЎЛАТОВ.

АЁЛЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛИШЯПТИ

Пойтахтимизда «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази ўтган йили Германиядаги нуфузли институтнинг грантини қўлга киритиб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Қисқа вақт мобайнида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Шаҳримизнинг 11 та туманидаги кам таъминланган, ёлғиз яшовчи аёлларни ҳокимликлар тавсиясига кўра ўқитиш, қайта касбга ўргатиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар ойда мутахассислар жалб қилиниб, 15 нафардан иборат аёллар гуруҳи ўқитилади. Айниқса, тикувчилик, пазандачилик, қандолатчилик, сартарошлик каби касбларга қизиқиш катта.

— Ҳозирги кунда ўқийман, касб ўрганаман, дейдиган аёлларимиз кўплаб топилади, — дейди марказ раҳбари Нигора Маъдиева. — Эътиборли томони шундаки, бизда ҳунар ўрганиш бепул. Шу боис марказимизга келувчилар сони кўп.

Шу кунгача ушбу марказ билан Германиянинг «Tasis-lien» жамияти ҳамкорлик қилиб келаётган бўлса, эндиликда бу сафга голландияликлар ҳам қўшилажакларини маълум қилишди. Яқинда Голландиянинг «WMCP» ноҳукумат ташкилоти вакиллари пойтахтимизда бўлиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу тариқа ҳамкорлик уфқлари кенгайиб бормоқда.

Қ. ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

АКСЕЛС ДАСТУРЛАРИ

Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши — АКСЕЛСнинг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Бу нуфузли ташкилот томонидан амалга ошириб келинаётган билим бериш услубиёти ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудларида таълим ва мутахассислар алмашинуви дастурлари айниқса самарали бўлмоқда.

АКСЕЛС ташкилотининг Ўзбекистондаги фаолияти эса 1993 йилдан бошланди. Ўтган йиллар мобайнида Тошкент, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Нукус шаҳарларида унинг офислари ва маслаҳат марказлари очилди.

Халқаро ташкилот АҚШда ўқиш имкониятига эга бўлган дастур қатнашчилари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, бу таълим жараёнларини маблағ билан таъминлаб келмоқда. Шу туфайли 150 га яқин аспирант, 100 га яқин талаба, кўплаб ўқитувчилар АҚШда ўқиш имконига эга бўлди.

АКСЕЛС бугунги кунда Ўзбекистон учун олти йўналишда очиқ танловларни ўтказиб келмоқда. Уларнинг ғолиблари, изланувчан ёшлар АҚШ олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Олий ўқув юртларини битирган ва дипломли мутахассислар «Эдмурд маски» номидаги стипендия дастури бўйича фаолият кўрсатишлари мумкин.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг инглиз тили ва америкашунослиги ўқитувчилари учун эълон қилинган «Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти» дастури ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. Мазкур нуфузли дастурнинг 2001 йил учун эълон қилинган танлови якунлари яқинда маълум қилинди.

Ўзбекистон мактабларида инглиз тилидан ўқувчиларга сабоқ бераётган ўқитувчилардан 50 нафари ана шу танлов ғолиби деб топилди.

Аълочилик мукофоти совриндорларининг ҳар бирига 200 АҚШ доллари миқдорида инглиз тилида ўқув қўлланмалар ҳамда улар ишлаб турган мактабларга эса икки минг доллар ҳажмида компьютер, принтер ва аудиомагнитафон совға қилинди.

Ғолибларни тақдирлаш учун Америка сафарига боришга бепул йўлланмалар ҳам ажратилди. Улар шу яқин орада Америкага бориб, етти ҳафталик ўқув машғулотларида сабоқ олиб, ўз билим ва малакаларини ошириб қайтадилар.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР АЖРАТИЛАДИ

Тошкент метрополитенининг навбатдаги тўртинчи йўналишини бунёд этишда чет эллик мутахассислар ҳам қатнашиш истагини билдирдилар. Хитой Халқ Республикасидаги «CITIC» корпорацияси ҳам янги метро йўли лойиҳасини тайёрлаш ҳамда уни қуриш учун инвестиция ажратишга қарор қилди.

Ўзаро келишувга мувофиқ ўзбекистонлик метросоз мутахассислардан иборат делегация Хитойда бўлиб қайтди. Улар Пекин метроси вагонтаъмир заводида Хитой темир йўллар вазирлиги лойиҳа-қидирув институтида бўлдилар. Чунки вагонсозлик заводида ишлаб чиқарилаётган «Метро-трамвай» моделидаги вагонлар Тошкентга олиб келинадиган бўлди.

«CITIC» корпорацияси билан баённома имзоланди. Унда метроқурилиши билан бирга Ўзбекистонда йўл қурилиши ва қурилиш материаллари учун инвестициялар ажратиш ҳам кўзда тутилди.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

КИРОЙИ ФЕРМЕР ШУНДАЙ БЎЛСА

«Камаз» русумли юк автомашинаси Мирзо Турсунзода кўчаси 19-уй ёнида тўхтади. «Холиқ ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Сайфулла Бекназаров Асқаровлар хонадонида бўлиб, болаликдан ногирон Ҳабибулла, 85 ёшли Бегим ая ҳолидан хабар олиб, хонадон учун бир бош қўй ва бир қоп гуруч топширди.

Шу куни Деҳқонобод туманидаги «Холиқ ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари бир неча ана шундай хонадонларни зиёрат қилиб чиқди.

«Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Юнусхон Жўраев қувончини ичига сиғдиролмай, дуога қўл очди:

— Бир неча йилдирки, тўшакка «михланиб» қолдим. На кўча, на ҳовлига чиқа оламан. Саховатпешаларни яратган Оллоҳимга шукроналар айтаман.

Мурувватпеша Сайфулла Бекназаров номига бундай илиқ сўзлар кўп айтилади. «Гулшан» кўчасида яшовчи, болаликдан биринчи гуруҳ ногирони Ихтиёр Алибоев, онаси II гуруҳ ногирони Менгдона Сатторова, оила бошлиғи уруш қатнашчиси, I гуруҳ ногирони Жума Алибоевлар, «Оқрабод» хўжалигида яшовчи 98 ёшли I гуруҳ ногирони Аннамаҳмад Қўзиевлар хонадонига фермер ташриф буюрганида қувончдан уларнинг кўзлари намланди.

Байрам кунларида «Камаз» автомашинасига юкланган ризқ-насиба шу зайл кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган хонадонларга тарқатилди.

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, - дейди Сайфулланинг отаси Холиқ бобо Юртбошимизнинг сўзларини такрорлаб. — Давлатим ўзимга етади, фарзандларим қуршовида иззат-ҳурматда яшаяпман. Мақсадим — эл тинчлиги, халқ фаровонлигига ҳисса қўшиш.

Тошкент-Термиз шоҳ йўлининг Деҳқонободдан ўтувчи манзилнинг чап томонида салобатли чойхона кўзга яққол ташланади. Чойхона ёнида қурилган меҳмонхона, савдо расталари, мўъжазгина ҳовлида тартиб билан ўрнатилган ўриндиқлар диққатингизни тортади. Наврўз байрами кунлари ушбу чойхона одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила аъзолари таклиф этилди. Сайфулла фермер шу куни хайрия қилиб, ош берди. Болажонларни бошоёқ кийинтирди. Абдуқаҳҳор бахши халқ термаларидан айтиб даврага файз киритди.

— «Холиқ ҳожи» фермер хўжалиги амалга оширган савобли ишларни айтиб адоғига ета олмаймиз, - дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Сойибжон Жабборов. — Ўтган йили ва жорий йилнинг уч ойи мобайнида фермер олинган фойдаси ҳисобидан бир неча хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, кам таъминланган оилалар учун 3 миллион 500 минг сўм, вилоят телерадиокомпаниясининг янги бино қурилишига 1 миллион сўм, жами 4 миллион 800 минг сўмдан ортиқ хайрия ёрдами кўрсатилди.

Дарҳақиқат, Сайфулла Бекназаров фермерликни ихтиёр этиб, чакки қилмаган экан. Бугунги кунда фермер ихтиёрида 114 бош қорамол, 4 мингдан ошиқ қўй-қўзи мавжуд бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам илғорлар қаторида бормоқда. 2000 йилда 19 миллион 334 минг сўм даромад қилиб, 13 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрди.

Бугунги кунда катта оиланинг сардори бўлган Сайфуллага укалари ва фарзандлари Дилмурод, Мақсуда, Саъдулла, Тўйчи, Хуснрав, Ситоралар яқиндан кўмак беришмоқда.

Куни кеча биз яна бир қувончли хабарни эшитдик. Бундан беш-олти йил илгари қурилиб, ишга туширилмасдан қолган Нишон туманидаги терини қайта ишлаш корхонасини Сайфулла фермер сотиб олибди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 60 киши иш билан таъминланади, - дейди у.

Тадбиркор ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» танловида фаол иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб келаяпти. Жумладан, «Ташаббус-2000» республика танловида ғолиб чиқиб, Президент совринига сазовор бўлган омилкор уйга Олтин медал ва «Дамас» автомобили билан қайтди. Ҳозир фермер хўжалигида 50 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Асли касби қорақўлчилик зоотехниги бўлган Сайфулла Бекназаров жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда.

Саховатпеша фермер издошлари кўпаяётганлиги, айниқса, қувончли ҳол. Жумладан, Одина Кенжаев раҳбарлик қилаётган «Тиллатепа», Шабон Бегимов бошчилигидаги «Бегимов» хусусий корхонаси, Чори Қиличев етакчилик қилаётган «Туркистон» хусусий фирмалари маҳсулот ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилаяптилар. Деҳқонободлик 242 фермер, 8 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги, 260 дан зиёд якка тартибдаги тадбиркорлар шу кун талаблари даражасида иш юритяптилар.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

23-29 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.50 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўсимликлар дунёси», «Сеҳрли камон».
9.10 «Барҳаёт наволар». Т. Бадинов.
9.40, 12.35 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мафусаил». Бадиий фильм.
11.55 ТВ-анонс.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 2001 йил - Оналар ва болалар йили «Меҳр нури ёғар доим». Бадиий-мусиқий дастур.
13.35 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Шоҳрух клуби».
15.05 ТВ-клип.
15.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Биз билган, билмаган тарих».
15.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Эҳтиросларга йўғрилган ўйин». Премьера.
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Туркманистон-Иордания.
*
17.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг тантанали очилиши.
18.15 «Ўзбекистон фуқароси».
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Давр ва қаҳрамон».
21.25 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
10.15 «Чипполино». Мультфильм.
10.55, 12.00, 14.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
12.10 Жорж Пуаре. «Алдагани ҳотин яхши». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.40 «Жаҳон жуғрофияси».
14.40 «Икки соҳил, икки тақдир». Бадиий фильм.
16.25 Спорт ҳафтаномаси.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.10 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 11-қисм.
17.35 «Мульттомоша».
17.50 Олтин мерос.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Оқшом наволари.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Хитой Тайпейи. Танаффус пайтида - «Ёшлик наволари». Мусиқий дастури.
20.45 «Илдизлар ва япроқлар».
21.05, 21.45, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
21.10 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Аёл, она, мураббий, раҳбар». Телеклуби.
18.30, 21.00, 22.10, 23.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.35 «Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Контакт».
17.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.10 «Бебилиска пул». Сериал.
17.40 «Болалар куйлаганда».
*
РЖТ
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.20 Россия эстрадаси юлдузлари иштирокидаги концерт дастури.
22.15 Кинематограф. Роберт Де Ниро ва Ума Турман «Глори» фильмида.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Алла».
9.15 «Ўзбекистон бастакорлари». С. Жалил.
9.45, 11.40 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 Болалар экрани: «Олтин калитча». Бадиий фильм.
11.45 «Камолот сари».
12.05 «Шоирлар-болаларга».
12.30, 13.50 ТВ-анонс.
12.40 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.
13.20 «Ишқ - сирли қўшиқдир». Мусиқий композиция.
14.10 «Билим-ринг».
14.50 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
15.10 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.40 «Остонаси тиллодан».
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Хитой Тайпейи-Иордания.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.25 «Инвестиция».
18.35 «Аёл - дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.

18.50 «Банк ва мижоз».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
21.40 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан. «Парламент вақти».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.00 «Йўл бошида».
22.15 «Дунё эшиклари очилар бизга».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсастувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Жуғрофия», «Олтин калит».
10.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 12-қисм.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40, 13.40, 14.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 11-қисм.
11.20 Олтин мерос.
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Болалар экрани. «Гўзал Ойсулув ҳақида эртак».
13.50 Таянч.
14.05 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.55 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.20 Авторейд.
15.35 «Дидор.»
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
16.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 13-қисм.
16.45 «Мульттомоша».
17.00 «Мени тушун...» Телеўйин.
17.25 Ёшлар куйлайди.
17.40 Хотира ва қадрлаш кунига: «Умр дафтари». Ботир Зокиров. Видеофильм. 1-қисм.
18.05 «Ракурс».
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Туркманистон. Танаффус пайтида - 19.45 Спорт-лото.
20.50 Очил дастурхон.
21.05 Мусиқий лаҳзалар.
21.10, 21.45, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
21.15 «Алишер Навоий». Видеофильм. 12-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 21.00, 22.30, 23.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Телефакт».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.25 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 «Бу - Корея».
17.10 «Ўз ўзига режиссёр».
17.40 «Олам бўйлаб».
*
РЖТ
18.40 «Зарби қаттиқ куч-2».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Х-спорт».
21.40 «Клип антракт».
21.55 Кинематограф. «Оққушларни отманг». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Алла».
9.15 «Ўзбекистон бастакорлари». С. Жалил.
9.45, 11.40 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 Болалар экрани: «Олтин калитча». Бадиий фильм.
11.45 «Камолот сари».
12.05 «Шоирлар-болаларга».
12.30, 13.50 ТВ-анонс.
12.40 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.
13.20 «Ишқ - сирли қўшиқдир». Мусиқий композиция.
14.10 «Билим-ринг».
14.50 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
15.10 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.40 «Остонаси тиллодан».
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Хитой Тайпейи-Иордания.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.25 «Инвестиция».
18.35 «Аёл - дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Банк ва мижоз».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
21.40 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан. «Парламент вақти».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.00 «Йўл бошида».
22.15 «Дунё эшиклари очилар бизга».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсастувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Жуғрофия», «Олтин калит».
10.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 12-қисм.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40, 13.40, 14.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 11-қисм.
11.20 Олтин мерос.
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Болалар экрани. «Гўзал Ойсулув ҳақида эртак».
13.50 Таянч.
14.05 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.55 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.20 Авторейд.
15.35 «Дидор.»
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
16.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 13-қисм.
16.45 «Мульттомоша».
17.00 «Мени тушун...» Телеўйин.
17.25 Ёшлар куйлайди.
17.40 Хотира ва қадрлаш кунига: «Умр дафтари». Ботир Зокиров. Видеофильм. 1-қисм.
18.05 «Ракурс».
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Туркманистон. Танаффус пайтида - 19.45 Спорт-лото.
20.50 Очил дастурхон.
21.05 Мусиқий лаҳзалар.
21.10, 21.45, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
21.15 «Алишер Навоий». Видеофильм. 12-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 21.00, 22.30, 23.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Телефакт».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Америкага назар».
17.15 «Соккер клуб».
17.35 «Болалар куйлаганда».
17.55 Кинематограф. «Плезантвиль». Бадиий фильм.
*
РЖТ
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебилиска пул». Сериал.
*
РЖТ
21.30 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Югославия-Россия терма жамоалари.
*
23.25 «Клип-антракт».
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.20 «Мурувват».
9.35, 11.35 ТВ-метео.
9.40 «Дунё эшиклари очилар бизга».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.15 ТВ-1 кинотеатри: «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадиий фильм.
11.40 «Инсон одоби билан».
12.05 ТВ-клип.
12.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари. Ўзбекистон-Туркманистон.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
15.05 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
16.20 «Мураббий». Спорт дастури.
16.35 «Наврўз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.00 ТВ-интернет.
17.05 «Дунё адабиёти».
17.25 «Халқаро ҳаёт - шарҳловчилар нигоҳида».
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий - публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.45 «Яхшилар ёди». Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Охунова хотирасига бағишланган бадиий-мусиқий дастур.
22.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига.
«Истиқлолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда-Фарғона вилояти.
23.05 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
23.25 «Ахборот».
24.00 «Кин-дза - дза». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси : «Қувноқ учрашув».
9.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.00, 11.35, 13.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Сийрат».
10.30 Ёшлар овози.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.



13.25 «Чинор остидаги дуэл». Бадиий фильм.
14.30 «Сенинг вақтинг».
14.50 «Спорт-қитъаси».
15.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
16.30 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
18.05 «Дастхат».
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 COSCOM хабарлари.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.30 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 «Бегойим».
21.40 Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.05-1.10 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00, 22.35, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 2001 йил – Оналар ва болалар йили. «Моҳир».
22.00 «Тошкент ва тошкентликлар».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.25 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «СНН-шоу».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Икки рояль».
*
РЖТ
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
*
18.40 CFI тақдим этади: «Лувр шаҳри».
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Кино сайёраси».
21.45 «Клип-антракт».
21.55 Кинематограф. «Ҳаёт мазмуни». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Лирик тароналар.
9.20, 12.25 ТВ-метео.
9.25 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
9.45 «Шарқ табобати».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Семурғ». Бадиий фильм.
11.30 «Муҳофаза».
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Озод юрт одамлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
13.05 «Ўзбекистон спорти».
13.25 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий композиция.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Миллий манфаат».
14.50 «Болаликнинг мовий осмони».
15.05 «Қайнар булоқ». Мусиқий дастур.
15.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Польшадаги учрашувлар». Премьера.
16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари.
Туркманистон - Хитой Тайпейи.
18.10 Эстрада тароналари. К. Қаюмов.
18.25 «Ҳиммат».
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Концерт.
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Биз билган, билмаган тарих».
21.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.55 «ТВ-клуб».
23.15 «Олам». Телеальманах.
23.45 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «2000 йилдан сўнг. Телесериал.
9.35 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.00 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 14-қисм.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40, 13.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 Тараққиёт.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 3-қисм.
14.20 Ўзбекистон Республикаси Мутақиллигининг 10 йиллигига. «Кули гул уста».
14.40 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
16.15 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 15-қисм.
16.40 «Мульттомоша».
16.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.10 Ёшлар куйлайди.
17.25 Автосалтанат.
17.40 «Аср қиёфаси».
18.00 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. Видеофильм. 3-қисм.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55. Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон - Иордания. Танаффус пайтида - 19.45 «2001 йил - Оналар ва болалар йили: «Фарзандим-жигарбандим».
20.50, 21.30, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.35 Аскар мактублари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ-плюс».
18.30, 21.00, 22.25, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.50 «Фармацевтика оламида».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN»Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
*
17.45 «Клип-антракт».
*
РЖТ
17.55 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Бебилиска пул». Сериал.
21.55 «Дурдаршан».
22.15 Кинематограф. «Рақсга аёллар таклиф этади». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10, 11.50 ТВ-метео.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Олтин оҳу». Мультфильм.
10.10 «Телевизион миниатюралар театри»нинг учрашуви. «Тирик сайёра» кинодастури.
11.00 CFI тақдим этади: «Ноилож сайёдлар». Ҳужжатли фильм.
11.55 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
12.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари.
Ўзбекистон - Иордания.
13.50 ТВ-анонс.
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Талабалик йилларим».
14.45 «Товус малика». Бадиий фильм.
16.10 «Ойдиндир санъатнинг йўллари». Мусиқий дастур.
16.30 «Қалб гавҳари».
16.50 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
17.40 ТВ-клип.
17.45 «Санъат олами».
18.05 «Бинафша». Тележурнал.
18.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
18.50 Бадиий кенгашдан сўнг.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Мусиқа: кеча ва бугун».
22.00 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
22.30 «Шанба оқшомида». Дам олиш дастури.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.45 «Бугунги Аржун». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
9.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 15-қисм.
9.45 Табобат оламида.
10.05, 15.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 Жаҳон жуғрофияси:».
11.05 Аср қиёфаси.
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.25 Абдулҳай Каримов куйлайди.
12.40 «Рамаяна». Телесериал.
13.15 Кутилмаган меҳмон.
13.35 Синфдош.
14.00 Вилоятлар ёш хонандалари куйлайди.
14.20 «Индиана Жонс ва тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 4-қисм.
14.55 «Ракурс».
15.15 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
16.35 Мусиқий дастур.
16.50 «Илдизлар ва япроқлар».
17.10 Ёшлар куйлайди.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.50 «Мульттомоша».
18.05 Ёшлар овози.
18.25 «Футбол плюс...»
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 «Ташаббус-2001». Республика танловининг якуний босқичи.
20.10 Ҳайрат.
20.30, 21.10, 23.10 ЭЪЛОНЛАР
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 Юлдуз Абдуллаева: «Мен сизни соғиндим» мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Клеопатра». Бадиий фильм. 1, 2-қисмлар.
0.45-0.50 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.10 «Эҳтиром ила».
19.40, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Интер-спорт».
20.15, 21.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
22.45 Avto-news
23.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.40 «Спорт оламида».
00.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Ички олам». 1-қисм.
01.00-01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
*
РЖТ
9.15 «Мўъжизалар майдони».
***
10.15 Кундузги сеанс: Бирни кўриб шукр қил». Бадиий фильм.
11.55 «Фан-тайм».
12.05 «CFI янгиликлари».
12.15 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
13.05 «Инглиз тили Сиз учун».
13.30-14.20 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Чинсен», «Бизнен мирас».
***
ЎзТВ–IV
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Билишни истайман...» Болалар учун кўрсатув.
18.30 Россия эстрадаси юлдузлари: Е. Шифриннинг концерт дастури.
РЖТ
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ–IV
20.

Ифтихор

30 апрелдан 5 майга қадар Жиззахда ўтказиладиган ўқувчи-ёшларнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари машъаласини ёқиш ва уни белгиланган манзилга етказишни Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўз зиммасига олди.

ҚУЁШДАН ОЛИНГАН АЛАНГА

— Ушбу мусобақаларни бошқа олимпиадалардан бошқачароқ, ҳамманинг ёдида қоладиган янгича йўсинда кузатувчи ўтказиш ниятидамиз, - деди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Абдуллахон Очилов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Жаҳон олимпиадаларидан фарқли ҳолда мазкур мусобақалар машъаласи сунъий равишда эмас, балки Паркент туманидаги «Қуёш-физика» илмий марказида офтоб нурларидан олинади. Шу аланга эстафетасини элтувчи гуруҳи эса, оловдондаги алангадан машъалани ёндириб, машиналар олдига тушган кўйи қўлларидаги мусобақа рамзини манзилдан манзилга етказадилар.

А.Очиловнинг таъкидлашича, оловдондаги алангадан машъалани ёқиш хавфсизроқ усуллар билан бажарилади. Илгарилари металл идишдаги машъала газ баллонлари ёрдамида ёқилган бўлса, эндиликда шу мақсадда қуруқ спирт ва парафиндан фойдаланилади.

— Машъала Паркентдан Тошкентга, Тошкентдан Сирдарёга, ундан Жиззахга етказилади. Бу узоқ йўл давомида қизиб кетган металл идишларни кўтариб борриш бирмунча қийин кечади. Шу боис, бошқача оловдон қўллашга қарор қилдик. Бу идишнинг олов турадиган қисми металлдан ясалган бўлса-да, унинг банди жуда пишиқ дарахт ҳисобланувчи чинор ёғочидан ишланади. Бу қўл куйишдан сақлашга хизмат қилишидан ташқари теран рамзий маънога ҳам эга. У мустақиллик даврининг баркамол авлоди худди шу дарахт каби абадий навқирон бўлиб қолишини ва уларнинг умри мангуликка даҳлдор эканлигини англатади.

Саломатлик ўз қўлингизда

АМАЛ ҚИЛИНГ, ФАҚАТ ЮТАСИЗ

1. Ҳомиладор аёлларнинг тез-тез асаби бузилиши, турмушдаги нотинчликлар бўлажак фарзанднинг ҳам асаб тизимига ва саломатлигига таъсир қилади. Болаларнинг нимжон, баъзан асаби бўш, йиғлоқи бўлиб туғилишининг сабаби ҳам шундалигини унутмаган ҳолда асабингизни эҳтиёт қилинг.

2. Бола туғилган кундан бошлаб уни тўғри тарбиялаш керак. Чунки болаларнинг асаб тизими жуда нозик бўлади. Шунинг учун уни зарарли ташқи таъсирлардан эҳтиёт қилинг.

3. Фарзандимнинг асаби кучли бўлсин десангиз, унинг кун тартибини туғилган кунидан бошлаб бузмасликка ҳаракат қилинг. Яъни, ўз вақтида овқатлантириш, вақтида ухлатиш, маълум вақтда очиқ ҳавода бўлишини таъминланг.

4. Яхши кайфиятга эга бўлишнинг энг асосий омилларидан бири ўзини тута билиш, салбий эмоцияларни боса олиш ҳисобланади.

5. Неврознинг олдини олишда меҳнат ва дам олиш тартибига тўғри риоя қилиш билан бирга атрофдаги кишилар билан ўзаро муносабатни тўғри йўлга қўйиш ҳам жуда муҳимдир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

Умар Хайём - Болтиқбўйида

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари театрлари иштирокида халқаро фестивал бўлиб ўтди. Унда Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси ҳам қатнашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист; иқтидорли режиссёр, 2000 йилги «Офарин» мукофоти соҳиби Наби Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган ушбу жамоа фестивалга таниқли адиб Темур Зулфиқоровнинг «Умар Хайём буржи» саҳна асарини тақдим этди. Томошабинлар билан лиқ тўла «Болтиқ уйи» фестивал маркази биносида намойиш этилган спектакл илиқ кутиб олинди ва таниқли театршуносларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Полвонлар мусобақаси

Нукусда эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 112 нафар эркак ҳамда 12 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Баҳром Эрматов 54 килограмм вазн тоифасида чемпионликни қўлга киритди. Кураш ишқибозлари 58 ва 69 килограмм вазн тоифасида бир неча карра Ўзбекистон чемпионлари Адҳам Очилов ҳамда Дамир Захаритдиновни илиқ қарши олишди. Улар бу гал ҳам ўзларининг юқори маҳоратга эга эканлигини тасдиқлашди.

Қолган вазн тоифаларида Жаҳонгир Муродов, Тўлибой Қашқаров, Муҳаммад Гажилалов, Равшан Абдуғаппоров ва Улуғбек Назаровга тенг келадиганлар топилмади.

Аёллар ўртасида Улжон Тожимуродова, Айнура Артиқбоева, Нигора Турикманова ва Нигора Азимова Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Юлдузлар ҳақида ҳикоялар

ПЕЛЕНИНГ 1000 — ГОЛИ

Машҳур футболчи тарихда ҳеч ким эришмаган бу ғалабасини болаларга бағишлади

(Боши ўтган сонда).

Биринчи тўп 1956 йилнинг 7 сентябрида «Сантос»нинг «Коринтианс» (Санто-Андре) билан бўлган ўртоқлик учрашувида киритилган. Ўшанда илк маротаба асли Сан-Пауло яқинидаги Бауру шаҳарчасидан бўлган ўн беш ёшли ўсмир «Сантос»нинг асосий таркибида иккинчи бўлимда майдонга тушди. Бунгача ўйин тақдири ҳал этилган эди: «Сантос» 6:1 ҳисобида олдинда борарди.

Жаир узатган тўпни Пеле қабул қилиб олгач, ерга туширди, финт ишлатиб бир ҳимоячини осонликча ортда қолдирди ва... Гол! Бутун жамоа уни илк муваффақияти билан табриклашга тушди. Лекин «Сантос» қарияларидан биронтаси ўшанда эндигина катта футболга қадам қўйган Пеленинг киритажак голлари рўйхати шу қадар узун бўлишини хаёлига келтирганмикин?

1958 йилнинг 19 июнида Пеле жаҳон биринчилиги ўйинларида ўзининг биринчи тўпини киритди. Уэльс терма жамоаси билан бўлган чорак финал ўйини иккинчи бўлимининг 25-дақиқасида Дидидан тўпни қабул қилиб олган Пеле чаққон ҳаракат билан тўпни улардан бирининг бошидан оширди ва бирданига, ҳеч қандай тайёргарликсиз дарвозанинг пастки ўнг бурчагига жойлаб қўйди. У ҳозиргача бу тўпни (учрашувда ягона) ҳаётидаги энг асосий гол деб ҳисоблайди. Бир ярим ойдан сўнг ўн етти ёшга тўладиган Пеле Сан-Паулодаги «Пакаэмбу» стадионида «Комерсиал» клуби билан бўлган ўйинда ҳисобига 100-голини ёзиб қўйди. Бир йил ўтар-ўтмас эса Ганноверда маҳаллий «Нидерзаксен» жамоаси дарвозасига ўзининг 200-тўпини йўллади.

300-голини Пеле 1960 йил 13 май куни Миланда «Интернационал» билан ўйнаган куни киритди. 1961 йилнинг 28 июнида Афинада грекларнинг «АЕК» жамоаси дарвозасига 400-гол урилган бўлса, 1962 йилнинг 5 сентябрида Рибейрао-Пертонинг «Ботафого» жамоаси дарвозабони 500-голни «кутиб» олди.

1963 йилнинг 22 августи ва 1965 йилнинг 18 апрелида «Маракана»да «Ботафого», «Флуминенсе» жамоаларига қарши ўйналган матчларда 600-, 700-тўплар дарвоза тўрига туширилди.

1966 йилнинг 21 июнида Мадридда «Атлетика» дарвозасига 800-тўп урилди. Бу гол бразилияликлар таъбири билан айтганда «парадинья» усулида киритилди: тўпга ярим қадам етмасдан Пеле кутилмаганда тўхтади ва зарбнинг йўналишини ўзгартирди. Натижа эса кўзлангандай бўлди: дарвозабон бир бурчакка ташланди, тўп эса бошқа бурчакда...

900-тўп 1968 йилнинг 21 июнида Нью-Йоркда (эътибор бераётган бўлсангиз, Пеленинг юбилей голлари географияси нақадар ранг-баранг) «Сантос» Италиянинг «Наполи» жамоасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратган ўйинда киритган эди.

Хуллас, орадан бир йил ўтган, Бразилия 1000-голни кутарди. Шубҳасиз, бу воқеа учун мос келадиган саҳнани «Маракана»дан ташқарида топиш қийин. Ранг-баранг байроқлар, ракеталардан отилган паға-паға тутунлар, томошабинларнинг жўр бўлиб қичқиришлари!

Футбол «қироли»нинг 1000-голи уни ардоқлаган, вояга етказган жаҳондаги энг улкан ўйингоҳда киритилиши керак эди, албатта...

Иккита фотокамерани плёнка билан тўлдириб «Васко-да Гама» дарвозасининг орқасидан жой олган юзлаб ҳаяжонланган фоторепортёрлар тўдасига суқилиб кирдим. Учрашув олдидан «Васко»нинг Аргентинадан сотиб олинган дарвозабони Андрада: «Рио губернатори тайёрлаган ёдгорлик лавҳаси ҳам Байя штатидаги лавҳадек қисматга дучор бўлади», — деб чўқинди.

(Давоми бор).

ХИВИЧДАН ҚАНДИЛ

Ўзбек миллий ҳунармандчилиги ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, Самарқанд туманидаги «Туркман» қишлоғида истиқомат қилувчи Искандар Давронов ҳам хивичдан буюм тўқишда устаси фаранг. Бу касб унга ота мерос. Отаси Зиёқул ака ҳам шу касб билан эл назарига тушган эди.

Айни чоғда Искандар ака тол, тут хивичларидан турли шаклдаги сават, ликопча, қандил сингари буюмлар тўқиш билан банд. У ўз касбини ёшларга ҳам бажонидил ўргатмоқда.

Суратда: Искандар аканинг ўғли Олимжон бувиси Зиёда ая билан сават тўқимоқда.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ним табассум

ВАЗИЯТ

Йигит қизни юпатмоқда:

— Бўлди-да, намунча энди кўз ёши қилдинг, ўзи нима бўлди, ахир?

— Ота-онам бизнинг никоҳимизга қарши бўлишаяпти...

— Шунга шунчами! Ташвиш чекма, мен ўзимга бошқа қиз топаман.

* * *

Шифокор уйда хотини билан телевизор кўриб ўтирибди. Тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Эр телефон гўшагини олиб, ҳамкасбининг овозини эшитди.

— Тезроқ етиб кел, анави сабилни тугатишга яна бир киши етмай турибди!

— Ҳозир етиб бораман...

Эрининг кийинаётганини кўриб, хотини сўради:

— Нима, жиддий эканми?

— Жуда жиддий, икки врач қачондан бери ўша ерда эмиш...

* * *

Уч оғайни учрашиб қолишди.

Бири:

— Шу мазам йўқми дейман-да. Эрталаб турсам, бутун вужудим шолшол оғрийди.

Иккинчиси:

— Ишим ёмон эмас, топиш-тутишим ҳам. Лекин руҳим тушкун, ҳеч нарсага қўлим бормайди.

Учинчиси:

— Сенларники осон экан. Бирор ҳафта дам олсанглар, отдек бўлиб кетасизлар. Меники чатоқ.

— Ҳа, қаеринг оғрийди?

— Ҳеч қаерим, аммо дардим оғир: чўнтак касал.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

Оламдаги энг баланд чўққи Ҳимолай тоғидаги Эверест чўққисидир. Унинг баландлиги 8848 метр.

* * *

Дунёдаги энг катта гул — Африкадаги сахара гули бўлиб, унинг ҳажми 8400000 кв. метрни ташкил этади.

* * *

Африкадаги Нил дарёси энг узун дарё ҳисобланади. Унинг узунлиги 6670 километрни ташкил этади.

* * *

Ер юзасидаги энг юқори ҳарорат 1922 йилнинг 13 сентябридаги Ливия мамлакатининг Ал-Азизия шаҳрида қайд этилган. Шу куни иссиқлик +57,7 даражани кўрсатган.

* * *

Оламдаги энг баланд шаршара - Венесуэладаги Анхель шаршараси экан. Унинг суви 979 метр баландликдан тушади.

* * *

Дунёдаги энг совуқ ҳарорат - 89,9 даражада эканлиги қайд этилган. Бу 1983 йил 21 июлда Антарктидадаги «Восток» станциясида рўйхатга олинган.

Қ. ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

ОНА ОҲУ

Бу ривоятни шоҳимардонлик чўпонлар айтиб юрадилар

Помир тоғининг энг баланд ғорларидан бирида Шабдон исмли овчи истиқомат қиларди. Ўзининг бадфеъллиги, жоҳиллиги ва тошбағирлиги билан эл-юрт нафратига учраган бу кимса тоғ-тошларда якка-ёлғиз кун кечиришга маҳкум эди.

Кунларнинг бирида у ғор ичида ётиб, ночор бир ҳайвоннинг оҳ-ноласини эшитиб қолди. Югуриб чиқиб қараса, ғорнинг оғзига ўзи ўрнатган тўр тузоқда она оҳу патирлаб ётибди!

Шабдоннинг қорнидан ҳам назари оч эди. У апил-тапил оҳунинг оёқларини боғладида, тўрдан бўшатиб, пичоғини қўлга олди. Шунда беихтиёр оҳунинг мунгли нигоҳига кўзи тушди. Оҳу кўзлари билан сўзлар, дардини баён этиб, дув-дув йиғларди. У овчига шу қадар илинж билан илтижоли қарардики, агар шу дамда оҳунинг нигоҳи тошга қадалса, тош симобга айланиши, денгизга қадалса, тўфон кўтарилиши, тоғларга қараса, вулқон отилиши турган гап эди. Аммо Шабдоннинг тошдан қаттиқ, кўнгил кўзи кўр эди. Шунинг учун она оҳунинг изтироблари-ю қалб туғёнларини англашдан йироқ эди. У қўлидаги пичоқни қайрашга киришди. Шу аснода бир ҳолат унинг эътиборини тортмай қолмади: оҳунинг кўзларидан энди ёш томчилаб оқмасди, балки мўъжаз фавворадек отилиб чиқарди. Айни пайтда кўзлар овчидан раҳм-шафқат, инсофиймон сўрар, жуда зарур бир гапни айтмоқчи, англатмоқчи, диёнатга чақирмоқчи бўларди. Лекин овчининг кўзига фақат гўшт-ёғ кўринарди, холос. У пичоқни оҳунинг томоғига қадади:

— Сабр қил, ҳой овчи!!!

«Ё олло! Қаёқдан келди бу овоз». Овчи қўрқув ичра атрофга олазарак қаради, ҳеч кимса кўринмади.

— Гапираётган мен!

Овчи кўриб, эшитиб турганларига ишонмасди: ҳақиқатдан ҳам унинг оёғи остида типирчилаб ётган она оҳу сўзлар эди. «Ё тавба, - кўнглидан ўтказди Шабдон, - зўр келса кесакдан ўт чиқади, деганлари рост экан-да».

— Хайрият, - енгил тортиб давом этди она оҳу. - Оллоҳга шукур, дардим унга етди. Сенга арзимни айтиш имкони туғилди. Анов тоғ этагида кечагина туғилган икки болам ётибди. Улар ҳали туз тотишгани йўқ. Йўлимга кўзлари тўрт бўлиб ётишгандир, шўрликлар. Озгина фурсат бер, ўша жигарбандларимнинг қорнини тўйғазиб келай.

— Зўрға қўлга киритган ўлжамни қўйвориб ахмоқ бўпманми! - тўнғиллади Шабдон.

— Қайтиб келишимга ишонмаяпсан чоғи. Худо ҳаққи, иймон ҳаққи, сийнамдаги оқ сут ҳаққи, сени алдамайман. Фақат болаларимнинг қорнини бир карра тўйғазиб қўяй. Улар ҳали она сутининг таъмини, она меҳрининг қудратини туйишганча йўқ. Менга раҳминг келмаса ҳам, мунчоқдек-мунчоқдек гўдакларимга раҳминг келсин. Увол бўлади улар!

Шабдоннинг кўнгли тошдан қаттиқ, муздан совуқ эди, оч-наҳор ҳолда ётган, эндигина ёруғ оламни кўраётган норасидаларнинг аянчли ҳолатини кўз олдига келтиролмасди, оҳунинг ўзини эмас, фарзандлари тақдирини ўйлаб, дод-фарёд кўтараётганини англай олмасди. Қарангки, шу онда унинг ёвуз кўнглига ёвуз фикр келди: «Икки болам бор деяпти. Буни атайин қўйиб юборсам-да, орқасидан кузатиб, уяси қаерда эканлигини билиб олсам. Сўнг ўзини сўйиб еб, болаларини бозорда пулласам»...

Шабдон она оҳуни банддан озод қиларкан, дағдаға қилди:

— Билиб қўй, мени алдаб, қочиб кетмоқчи бўлсанг, ер тагидан бўлса ҳам топиб, тилка-пора қиламан!

У оҳуни қўйиб юбориб, қоя устига чиқди-да, кузата бошлади: она оҳу чангалзор сари елар, оёғи ерга тегиб-тегмасди гўё. Шамолдек, нурдек учарди. Шабдон эса... Шунда секин-аста қоронғилашиб келаётган осмон бирдан ғазабга келгандай, булутларни остин-устун қила бошлади, ер-қўкка даҳшат солиб, кетма-кет момоқалдироқ гумбирлади, чақмоқ чақди! Атрофни ёмғир аралаш тўзон қоплади.

Орадан анча вақт ўтиб, табиат «жаҳли» босилгач, она оҳу ваъдага мувофиқ Шабдоннинг ғорига қайтиб келди. Маъраб овоз берди, овчидан дарак бўлмагач, у чиққан қояга қаради: қоя остида Шабдоннинг куйган жасади тутаб ётарди.

М.АБДУКАРИМОВ.

Турфа олам

«УЯЛИ» ТАШВИШ

Ҳозир «уяли» телефон шу қадар кенг тарқалганки, у билан ҳеч кимни ҳайратга солиб бўлмайди. Бироқ бу оммавийлашув баъзи мамлакатларда ўзига яраша ташвиш туғдирмоқда. Масалан, Жакарта кўчаларида кетаётган автомобил чорраҳада тўхтаб ёки секинлаб қолганини кўрсангиз, албатта ҳайдовчини телефон безовта қиляпти, деб ҳисоблайверинг. Бу транспорт ҳаракати қоидаларининг тез-тез бузилишига олиб келиши табиий. Ахир, машинани тўғри ҳайдаш ўрнига ҳайдовчи телефон билан овора бўлса... Полициячилар ҳам нима дейишни билмай бу ҳолга елка қисиб қўя қолади. Чунки мамлакатда уяли телефондан қаерда фойдаланиш, қаерда фойдаланмаслик бўйича ҳеч қандай қонун қабул қилинмаган.

Шундоғам индонезиялик ҳайдовчилар йўл транспорти қоидаларига кам риоя этади. Йўллардаги интизомсизлик муаммони янада мураккаблаштирмоқда. Шу боисми, Индонезияда йилига 10-11 минг киши транспорт ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмади.

«Уяли» телефон пиёдалар учун ҳам ташвиш келтиради. Чунки телефон орқали сўзлашув машинадан ташқари, яёв юрганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам, дўкон ва кинотеатрларда ҳам давом этмоқда.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6